

2308 - عَنِ الْمِسْوَرِ بْنِ مَحْرَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَامَ حِينَ جَاءَهُ وَفْدٌ هَوَازِنَ مُسْلِمِينَ، فَسَأَلُوهُ أَنْ يُرْدَ إِلَيْهِمْ أَمْوَالَهُمْ وَسَبَيْهِمْ، فَقَالَ لَهُمْ

رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَحَبُّ الْحَدِيثِ إِلَيَّ أَصْدَقُهُ. فَاحْتَارُوا إِحْدَى الطَّائِفَتَيْنِ: إِمَّا السَّبَيْنِ وَإِمَّا الْمَالَ، وَقَدْ كُنْتُ اسْتَأْتِيَثُ بِهِمْ». وَقَدْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ انتَظَرُهُمْ بِضُعْعَعَشْرَةَ أَيَّلَةً حِينَ قَفَلَ مِنَ الطَّائِفِ، فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَيْرُ رَادِي إِلَيْهِمْ إِلَّا إِحْدَى الطَّائِفَتَيْنِ، قَالُوا: فَإِنَّا نَخْتَارُ سَبَيْنَا، فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْمُسْلِمِينَ، فَأَتَنَّى عَلَى اللَّهِ بِمَا هُوَ أَهْلُهُ، ثُمَّ قَالَ: «أَمَّا بَعْدُ، فَإِنَّ إِخْوَانَكُمْ هُؤُلَاءِ قَدْ جَاءُونَا تَائِيَنَّ، وَإِنِّي قَدْ رَأَيْتُ أَنَّ أَرْدَ إِلَيْهِمْ سَبَيْهِمْ، فَمَنْ أَحَبَّ مِنْكُمْ أَنْ يُطِيبَ بِذَلِكَ فَلْيَفْعَلْ، وَمَنْ أَحَبَّ مِنْكُمْ أَنْ يَكُونَ عَلَى حَظِّهِ حَتَّى تُعْطِيهِ إِيَّاهُ مِنْ أَوْلِ مَا يُفِيءُ اللَّهُ عَلَيْنَا فَلْيَفْعَلْ». فَقَالَ النَّاسُ: قَدْ طَيَّبَنَا ذَلِكَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّا لَا نَدْرِي مَنْ أَذْنَ مِنْكُمْ فِي ذَلِكَ مِمَّنْ لَمْ يَأْذِنْ، فَارْجِعُوْا حَتَّى يَرْفَعُوْا إِلَيْنَا عُرْفَاؤُهُمْ أَمْكُمْ». فَرَجَعَ النَّاسُ، فَكَلَّمُهُمْ عُرْفَاؤُهُمْ، ثُمَّ رَجَعُوا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْبَرُوهُ أَهُمْ قَدْ طَيَّبُوا وَأَذْنُوا.

1044.2307, 2308. Марвон ибн Ҳакам ва Мисвар ибн Махрама шундай хабар қилишади:

«Ҳавозин вафди мусулмон бўлиб келишган пайтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан турдилар. Улар у зотдан мол-мулклари ва асиirlарининг ўзларига қайтарилишини сўрашди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга: «Мен учун сўзларниңг энг севимлиси энг ростицир. Икки тўпдан бирини - ё асиirlарни, ё молни танланглар. (Сўнг саҳобаларга) Мен буларга қараб турган эдим», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифдан қайтганларида уларни ўн нечаям кеча кутган эдилар. Уларга Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг икки тўпдан биттасинигина қайтаришлари равshan бўлгач, «Асиrlаримизни танлаймиз», дейишиди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлар орасида туриб, Аллоҳга У Зотнинг Ўзига муносиб сано айтдилар, сўнгра: **«Аммо баъд. Мана бу биродарларингиз олдимизга тавба қилиб келишди. Мен уларга асиrlарини қайтарсан, деяпман. Сизлардан ким чин кўнгилдан шундай қилишни истаса, қилсин! Ким ўз насибасига ҳақдор қолиб, буни Аллоҳ бизларга берадиган илк файдан* беришимизни истаса, шундай қилсин!»** дедилар. Одамлар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун чин кўнгилдан шундай қилдик», дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Биз бунга сизлардан ким изн берди-ю, ким изн бермади, билмаймиз. Қайtingлар, токи ишларингизни бизга оқсоқолларингиз олиб чиқсин»**, дедилар. Одамлар қайтишиди. Оқсоқоллар улар билан гаплашишиди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қайтиб, улар ҳақиқатда (ўша ишни) чин кўнгилдан қилганлари ва изн берганларини у зотга хабар қилишди».

* Фай – жангсиз қўлга киритилган ўлжа.

Манба: hadis.islom.uz

